



## XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 19 - aprel

VI-53-50-2-0-K/22

Buxoro viloyati hokimligi

### **Вилоят ҳокимлигида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросининг ҳолати тўғрисида**

Вилоят ҳокимлиги, вилоятдаги ташкилотлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори талабларига биноан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилган.

Ҳисобот даврида “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона ижро интизоми электрон тизимига Ҳисоб палатаси томонидан вилоятга дахлдор бўлган 998 та Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва баёнларидаги 7382 та топшириқлар киритилган. Жорий йилнинг 16 апрель ҳолатида 5429 та топшириқнинг ижро муддати келган бўлиб, 5419 тасининг ижроси ҳақидаги маълумотлар дастурга жойлаштирилган.

Шу билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларидаги 10 та топшириқнинг ижроси ҳақидаги маълумотлар дастурга киритилмасдан келинмоқда.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги мажмуасидаги 4 та, иқтисодиёт мажмуасидаги 2 та, қурилиш мажмуасидаги 2 та, ижтимоий йўналишида 1 та ҳамда туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар мажмуасидаги 1 та ҳужжатнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар дастурга киритилмаган.

Шунингдек, “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона ижро интизоми электрон тизимида янгидан ташкил этилган Ҳукумат комиссияси бўлимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Умурзоқов бошчилигида ўтказилган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг баёнларидаги 47 та муддати ўтган топшириқлар ижроси тўғрисидаги маълумотларни дастурга киритиш ишлари якунига етказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31

майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари вилоят Кенгаши

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Вилоят ҳокимлиги аппарати ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи в.в.б. У.Қўшшаевнинг вилоят ҳокимлигида қонунчилик хужжатлари ва топшириқлари ижросининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Н.Холмуродов, М.Хамраев, Н.Хамдамов, А.Назаров, Б.Шахриёровга қонунчилик хужжатлари ва топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда таъминламаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Назаров, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (А.Жаводов), Бухоро тумани ҳокимлиги (Х.Жўраев), давлат кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (А.Асадов)га “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида муддати ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21-22 январь кунлари вилоятга ташрифлари чоғида ўтказилган йиғилиш (04-2021-сон) баёнининг 55.1-банди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 24 ноябрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 50-сонли баёнининг 8.3.-банди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сонли Фармонининг 8.1-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4803-сонли қарорининг 3.2.4.6-банди;

вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Н.Хамдамов, “Миллий банк” вилоят бўлими (Ф.Самадов), Когон шаҳар (Х.Давлатов), Жондор тумани (С.Ҳикматов) ҳокимликлари ҳамда вилоят транспорт бошқармаси (Ф.Ражабов)га Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятига ташрифи давомида берган топшириқлари ҳамда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилиш (3000-хх-сон) баёнининг 21.1-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21-22 январь кунлари вилоятга ташрифлари чоғида ўтказилган йиғилиш (04-2021-сон) баёнининг 3.3-банди;

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи Н.Холмуродов, Ғиждувон тумани ҳокимлиги (Ш.Ашуров), вилоят халқ таълими бошқармаси (Д.Мустафоева), вилоят мактабгача таълим бошқармаси (М.Ражабов)га “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида муддати ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 55-сонли баёнининг 18.2.-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли қарорининг 8.9.-банди;

вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари М.Хамраев, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов), Шофиркон тумани ҳокимлиги (Ж.Шаропов), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (И.Зиёдуллаев)га “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида муддати ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10-11 март кунлари вилоятга ташрифлари чоғида ўтказилган йиғилиш (7427-хх-сон) баёнининг 111.1-банди;

вилоят ҳокимининг туризм, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари – вилоят туризм бошқармаси бошлиғи Б.Шаҳриёров, вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси (Б.Адилов), вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси (И.Мирзаев)га “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида муддати ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 сентябрдаги ПҚ-5251-сонли қарорининг 10.2.-банди;

вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Р.Асадовга “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона ижро интизоми электрон тизимида вилоятга дахлдор Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Умурзоқов бошчилигида ўтказилган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 18-сонли (2021 йил 5 апрелдаги 24-24/1-714), 72-сонли (2021 йил 21 декабрдаги 24-27/1-714) ҳамда 13-сонли (2021 йил 5 апрелдаги 24-27/1-3074) баёнларидаги 47 та топшириқлар ижросини таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда тегишли ташкилотлар ва идоралар раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5132-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида таъминлаш;

ҳокимликлар аппаратларида, корхона ва ташкилотларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, мазкур йўналишда йўл қўйилаётган тизимли хато ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидаги топшириқлар ижросини сўзсиз таъминлаш, натижаси бўйича Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда тизимли иш олиб бориш;

“Ijro.gov.uz” идоралараро ягона ижро интизоми электрон тизимига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва баёнларидаги тегишли топшириқлар ижросини тасдиқловчи ахборотларнинг белгиланган муддатларда киритилиши устидан назорат ишларини кучайтириш;

“Ijro.gov.uz” идоралараро ягона тизимга Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ижроси юзасидан ахборотларнинг кунлик киритилиши мониторингини юритиш;

ижро интизоми талабларини бузган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий чораларни кўриш, хато ва камчиликлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларини зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш;

иш юритиш ва ижро интизомига оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан мақсадли ўрганишларни ўтказиш ишларини янада жадаллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш топширилсин.

5. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссиялари ҳамда туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига:

ҳар ойда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг ижро ҳолатини халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама қилиш;

хар чоракда Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлаш ишларини ташкил қилиш бўйича ҳокимларнинг ҳисоботларини эшитиш;

қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижро ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шу жумладан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини жойларга чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича депутатлик назоратини тизимли ташкил этиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳамда Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиялари зиммасига юклансин.

**Кенгаш раиси**



**Б.Зарипов**